

**ОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНМУРОДОВ АКБАР ЧОРИЕВИЧ

**ГОЛУБИКА (*Vaccinium uliginosum* L.) ЎСИМЛИГИНИНГ МОРФО-
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КЎЧАТИНИ ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agricultural sciences**

Қурбонмуродов Акбар Чориевич

Голубика (*Vaccinium uliginosum* L.) ўсимлигининг морфо-биологик хусусиятлари ва кўчатини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш.....5

Қурбонмуродов Акбар Чориевич

Морфо-биологические особенности и разработка технологии выращивания саженцев голубики (*Vaccinium uliginosum* L.).....21

Kurbanmuradov Akbar Chorievich

Development of the morpho-biological features and plant growing technology of blueberry plant (*Vaccinium uliginosum* L.)37

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНМУРОДОВ АКБАР ЧОРИЕВИЧ

**ГОЛУБИКА (*Vaccinium uliginosum* L.) ЎСИМЛИГИНИНГ МОРФО-
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КЎЧАТИНИ ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича жуда тез оммалашаётган қимматли резавор мевалардан бири голубика ҳисобланади. Бунинг боиси – унинг бекиёс таъми, витаминга бойлиги ва шифобахшлигидир. Ушбу резавор мева ўсимлигининг бугунги кундаги ялпи етиштирилиш ҳажми қарийб 1 млн. тоннадан ортмоқда. Дунё экспертларининг фикрича, кейинги 2 йил ичида унинг майдони янада ортиб, экспорт салоҳияти 2025 йилга бориб қарийб 3 млрд долларга етиши башорат қилинмоқда. Бунда етакчи давлатлар “АҚШ, Канада ва Чили бўлиб, дунё ялпи голубика етиштириш ҳажмининг 70% қисми ушбу давлатлар улушига тўғри келмоқда”¹. Сўнгги йилларда Хитой, Франция, МДХ, ЖАР ва бошқа давлатларда ҳам голубика етиштириш ҳажми ортмоқда. Ушбу давлатларда голубиканинг юқори ҳосилдор, совуққа чидамли навларини яратиш, ўсимликни кўпайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва саноат асосида етиштириш технологиясининг муҳим элементларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Дунёда голубикани кўпайтириш ва етиштириш билан боғлиқ илмий-тадқиқотлар асосан уни янги ареалларга интродукция қилиш, қимматли ёввойи турларини маданийлаштириш, унинг юқори ҳосилдор янги навларини яратиш, кўчат ва ҳосил етиштиришнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш йўналишларида олиб борилмоқда. Бу борада унинг 5 та тури маданийлаштирилган: пакана голубикалар – ингичка барг (*V. angustifolium*) ва канада голубикаси (*V. myrtilloides Michx.*); баланд бўйли голубикалар – қалқонсимон (*V. darrowii*) ва жанубий голубика (*V. virgatum*) ҳамда Эши голубикаси (*V. ashei* – «куён кўз»). Бугунги кунда оддий голубиканинг (*Vaccinium uliginosum* L.) интродукция қилинган ареали шимолий ярим шардаги барча мамлакатлар, Хитой, шунингдек Марказий Америка, Осиё ва Африкадаги кўплаб мамлакатларни эгаллаган. Унинг дунёга машҳур Bluecrop, Duke, Jersey ва Nelson навлари яратилган бўлиб, ушбу давлатларнинг деярли барчасида улар муваффақият билан етиштириб келинмоқда. АҚШда унинг кўчатларини Woody Plant Medium озука муҳитида *in vitro* шароитида кўпайтириш йўлга қўйилган. Мамлакатимиз учун голубика янги резавор мева ўсимлиги бўлиб, бугунги кунга қадар фақатгина импорт ҳисобига таъминланаётган ушбу қимматли ўсимликни кўпайтириш ва етиштириш технологиясининг муҳим элементларини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга татбиқ этиш республика боғдорчилигининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Республикаимизда резавор мевали экин турларини кўпайтириш, улардан озиқ-овқат ва фармацевтика саноатида фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилган ва муайян натижаларга эришилган. Лекин голубика (*Vaccinium uliginosum* L.) ўсимлигининг морфо-биологик хусусиятлари ва кўчатини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор

¹ <https://fruitnews.ru/home/category/analitika/usda-mirovoj-eksport-golubiki-k-2025-godu-vyrastet-do-usd3-mlrd.html>

тамоийилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш...»² устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Голубика айнан шундай қимматли ва экспортбоп резавор мева ўсимлиги бўлиб, уни мамлакатимиз тупроқ-иқлими шароитида самарали кўпайтириш ва муваффақият билан етиштириш учун чуқур илмий изланишлар олиб бориш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307 сон «2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549 сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармон ва қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маданий ҳолда етиштирила бошлаганлигига у қадар кўп бўлмаган бўлсада, сўнгги йилларда голубикага бўлган талаб дунё бўйича кескин ортиб бормоқда. Ушбу резавор мева турининг етиштириш ареалини кенгайтириш, табиий ареалидан бошқа ерларга интродукция қилиш, ўсимликнинг янги, юқори ҳосилдор, бой биокимёвий таркибли навларини яратиш, кўчатини етиштиришнинг юқори самарали усулларини ишлаб чиқиш ва жадал етиштириш агротехнологияларининг муҳим элементларини такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШда N. Bassil, A. Oda, K.E. Hummer, B. Strik, M.P. Banados, Хитойда X. Su, J. Zhang, H. Wang, Канадада J. Correa-Betanzo, E. Allen-Vercoe, J. McDonald, Грецияда A. Ferlemi, Хорватияда J. Piljac-Zegarac, K. Riihinen, Финландияда L. Jaakola, S. Karenlampi, МДХ давлатларида В.Н. Решетников, Н.Б.Павловский, Ж.А. Рупасова, А.М. Деева, Е.А. Флюрик, Г.П. Атрощенко, А.П.Яковлев, Р.А. Мохамед Гамил, В.В.Титок, Г.И.Булавко ва бошқа кўплаб олимлар, мамлакатимиз тупроқ-иқлими шароитларида эса С.Б. Мамадалиева, А.А. Хаитов каби тадқиқотчилар томонидан қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Муаллифлар томонидан голубикани маданийлаштириш ва интродукция қилиш ишлари олиб борилган, кўчатини етиштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва етиштириш агротехникасининг муҳим элементларини такомиллаштириш амалга оширилган. Тажрибаларда ушбу мева ўсимлигини

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

табiiй ареалидан бошқа ҳудудларга интродукция қилиш, янги навларни олиш учун селекция ишлари, истиқболли навларни яшил ва ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтириш, саноат асосида етиштиришда тупроқнинг нордон мухитини таъминловчи субстрат турларидан фойдаланиш тамойиллари яратилган. Хусусан, голубикани яшил ва ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтиришнинг самарали муддатлари, голубика учун тупроқ рН мухитининг қулай даражаси ва уни таъминлаш усуллари, очиқ ва ҳимояланган ерларда голубикани саноат асосида етиштириш технологияси ва бошқалар бўйича муҳим тавсиялар берилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, республикаимиз тупроқ-иқлими шароити учун янги бўлган ушбу резавор мева ўсимлигини кўпайтириш ва етиштириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини етарлича деб бўлмайди. Шу муносабат билан ушбу диссертация тадқиқотига кўра, голубика ўсимлигини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ва кўпайтириш усуллари тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қўйилган асосий вазифалар республикаимиз шароитига ушбу истиқболли, экспортбоп қимматли резавор мева турини интродукция қилиш ва ўсимликни кўпайтиришда юзага келадиган қатор муаммоли масалалар ечимини беради.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат аграр университети, Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедрасининг №12-1 рақамли “Мева, резавор мева ва узум етиштиришни такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш технологиялари” мавзусидаги илмий-тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган (2020-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Тошкент вилояти шароитига интродукция қилинган голубика (*Vaccinium uliginosum* L.) ўсимлигининг морфо-биологик хусусиятларини тадқиқ этиш ва кўчатини етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти иқлими шароитида голубика навларини интродукция қилинган ўсимликлари ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

Тошкент вилояти иқлими шароитида етиштирилган голубика навлари ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва мевасининг товарбоплик кўрсаткичларини баҳолаш;

голубика навлари ўсимликларининг иссиқликка чидамлилигини аниқлаш; ўсишни бошқарувчи модда тури ва концентрациясининг голубика навлари яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлигига таъсирини аниқлаш;

субстрат тури ва экиш муддати билан яшил қаламчаларни илдиз олувчанлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

голубика навларини яшил қаламчасидан кўпайтиришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида голубика ўсимлигининг Аврора, Чандлер, Дюк, Патриот, Торо, Легаси, Дарроу ва Блюкроп навлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб голубика ўсимлиги навларининг морфологик ва биологик хусусиятлари, субстрат ва ўсишни бошқарувчи моддалар концентрацияси, яшил қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Голубика ўсимлигининг морфо-биологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари бўйича дала ва лаборатория тадқиқотлари Х.Ч.Буриев, Н.Ш. Енилеев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (2014), Ф.Я. Поликарпова ва В.В.Пилюгинанинг «Выращивание посадочного материала зеленым черенкованием» (1991), Б.С. Ермаковнинг «Размножение древесных и кустарниковых растений зеленым черенкованием» (1981), М.Т.Тарасенконинг «Зеленое черенкование садовых и лесных культур (теория и практика)» (1991), П.С. Прудников, З.Е. Ожерельеванинг «Физиолого-биохимические методы диагностики устойчивости плодовых культур к засухе и гипертермии» (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) тавсия қилган услубиёт 0,95% ишончлилик оралиғи билан «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистоннинг марказий минтақаси иқлими шароитига мос голубиканинг Аврора, Чандлер, Дюк, Патриот, Торо, Легаси, Дарроу, Блюкроп навлари интродукция қилинган ва модификация қилинган сунъий тупроқларда (торф+кум) ўстириш мумкинлиги исботланган;

иссиқликка энг юқори чидамлилиқ голубика ўсимлигининг Дюк ва Блюкроп навларида қайд этилган, уларда +50 °С иссиқлик шоки таъсиридан кейин баргларида сув тикланиш даражаси 109,4-112,3% атрофида бўлиши аниқланган;

Тошкент вилояти иқлими шароитида етиштирилганда голубиканинг Дюк (2,54 т/га) ва Блюкроп (2,5 т/га) навлари энг юқори ҳосил бериши аниқланган ва мевасининг товарбоплиқ кўрсаткичлари юқори (4,5 балл) баҳоланган;

ўсишни бошқарувчи модда ИМКнинг 40 мг/л концентрациясида голубика навлари яшил қаламчаларининг энг юқори – 85% илдиз олиши аниқланган;

голубика навлари яшил қаламчаларининг энг юқори – 85% илдиз олишини таъминлаш учун торф+кум таркибли сунъий субстратидан фойдаланиш ва қаламчаларни август ойининг иккинчи ўн кунлигида экиш энг мақбул шароит эканлиги илмий асосланган ($r=91$);

голубика навлари яшил қаламчасидан кўпайтиришнинг мақбуллиги иқтисодий асосланган (рентабеллик 119,6%).

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

голубика ўсимлигининг интродукция қилинган навлари ўсув даври Тошкент вилояти шароитида 213-220 кунни ташкил этган ва уларни мамлакатимиз иқлими шароитида муваффақият билан етиштириш мумкинлиги аниқланган;

голубика ўсимлигини ўрганилган навларининг ҳосилдорлиги 5 ёшли

кўчатларда гектарига 1,56-2,53 тонна атрофида бўлиб, энг юқори ҳосилдорлик билан Дюк (2,54 т/га) ва Блюкроп (2,5 т/га) навлари алоҳида ажралиб туриши аниқланган;

Тошкент вилояти иқлим шароитида етиштирилган голубика навлари меваларининг товарбоплик сифатлари хорижий аналогларидан қолишмаган, жумладан Дюк ва Патриот навларининг мевалари дегустация комиссияси томонидан 5 балли тизимда 4,5 балл билан баҳоланган, бу вақтда «Anglesey Food» компаниясига қарашли «Корзинка» савдо тармоқларида сотилган Белоруссиядан келтирилган ушбу нав меваларининг дегустация баҳоси 4,3 баллдан ошмаслиги аниқланган;

Голубика ўсимлиги интродукция қилинган навларининг иссиқликка чидамлилиқ даражаси $+50^{\circ}\text{C}$ иссиқлик шоки таъсири услубида аниқланганда 87,7-112,3% атрофида бўлиб, бу уларнинг иссиқликка бошқа резавор ўсимликларга нисбатан чидамсизлигини кўрсатади, шу боис уларни республикамиз шароитида етиштиришда тўр билан ярим соялаш тақозо этилиши аниқланган;

интродукция қилинган голубика ўсимлиги навларининг ички микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотларда торф ва кумдан иборат сунъий субстратларда яшил қаламчасидан кўпайтириш мумкинлиги, бунинг учун қаламчаларга индолилмой кислотасининг 40 мг/л сув концентрацияли эритмаси билан 4 соат мобайнида экишолди ишлов бериш зарурлиги аниқланган;

голубиканинг кўчатларини яшил қаламчасидан етиштиришда уларни август ойининг иккинчи ярмида тайёрлаганда энг юқори илдиз олувчанликга (85%) эга бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-тадқиқот натижаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий ҳисоботларнинг Тошкент давлат аграр университети илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақризлар олинганлиги, тажриба маълумотларининг математик-статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти голубика кўчатларини яшил қаламчасидан кўпайтиришда уларнинг илдиз олувчанлиги билан ўсишни рағбатлантирувчи модданинг концентрацияси, қўлланилган сунъий субстрат, илдиз олувчанлик билан яшил қаламчаларни тайёрлаш муддати ўртасидаги корреляцион боғлиқликнинг ($r=91$) илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент вилояти иқлими шароитида голубикани торф ва кумдан иборат махсус тувакларда ярим сояланган шароитда етиштириш мумкинлигининг исботланганлиги, голубика кўчатларини яшил қаламчасидан кўпайтириш учун субстрат тури ва ўсишни рағбатлантирувчи модда концентрацияси аниқланганлиги, яшил қаламчаларни тайёрлаш муддати ва самарали экиш схемаси танланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Голубика (*Vaccinium uliginosum* L.) ўсимлигининг морфо-биологик хусусиятлари ва кўчатини етиштириш технологик элементларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчилик ва кўчатчиликка ихтисослашган агрокластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун «Голубика (*Vaccinium uliginosum* L.) кўчатини етиштириш технологияси» номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 28 октябрдаги 02/21-21-06/1270-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома агрокластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликларида голубиканинг сифатли кўчатларини тезкор етиштиришда амалий қўлланма сифатида хизмат қилган;

голубиканинг Аврора, Чандлер, Дюк, Патриот, Торо, Легаси, Дарроу, Блюкроп навларини Тошкент вилояти иқлими шароитига интродукция қилиш ва уларни етиштиришни йўлга қўйиш ишланмаси Тошкент шаҳар «WORLD EKZOTIK AGRO» МЧЖ корхонасида 2 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 28 октябрдаги 02/21-21-06/1270-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бугунги кунга қадар республикамизга фақатгина хорижий давлатлардан импорт ҳисобига олиб келинаётган голубика меваларини республикамизнинг ўзида етиштириш имконияти юзага келган. Ушбу голубика навларидан навлар бўйича ўртача 1,7-2,5 т/га атрофида ҳосил олинган. Энг юқори ҳосил берган Дюк ва Блюкроп навларида 1 гектар ҳисобидан олинган ўртача соф фойда 200 000,0 минг сўм, иқтисодий самарадорлик 233 % ни ташкил этган.

голубиканинг Дюк нави кўчатларини яшил қаламчасидан кўпайтириш технологияси ишланмаси Тошкент шаҳар «WORLD EKZOTIK AGRO» МЧЖ корхонасида 0,1 гектар, Қашқадарё вилояти «BAXROMBEK AGRO PRODUC» МЧЖ корхонасида 0,01 гектар, Навоий вилояти «KARIM-BERDI KARMANA» хусусий корхонасида 0,1 гектар, жами 0,21 гектар иссиқхона майдонига жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 28 октябрдаги 02/21-21-06/1270-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бугунги кунга қадар республикамизга фақатгина хорижий давлатлардан импорт ҳисобига олиб келинаётган голубика кўчатларини республикамизнинг ўзида етиштириш имконияти юзага келган. Бундан ташқари, республикамизда жорий этилган мевали ўсимликларни ёғочлашган қаламча ёки уруғидан анъанавий етиштириш усулига нисбатан тезкорлиги ва майдон бирлигидан 2 ва ундан кўпроқ баробар кўчат олишга эришилган. Ушбу усулда 0,1 гектар махсус иншоотдан 36000 донагача сифатли кўчат олинган, соф фойда иншоотнинг майдон бирлигидан (0,1 га) 310,000-375,000 минг сўм ва иқтисодий самарадорлик 261-372% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университетиде ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шу жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек 1 та тавсиянома нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Голубика (*Vaccinium uliginosum* L.) ўсимлигининг ботаник таърифи, биологик хусусиятлари ва етиштириш технологияси (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва адабий манбалар шарҳланган. Бинобарин, Голубика (*Vaccinium uliginosum* L.) ўсимлигининг ботаник таърифи, морфо-биологик хусусиятлари ва хўжалик аҳамияти, голубика ўсимлиги кўчатларини етиштириш усуллари, голубика ўсимлигининг етиштириш технологиясини ўзига хос хусусиятлари юзасидан илмий маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот дастури ва услубиёти**» деб номланган иккинчи бобида танлаб олинган тадқиқот мавзуси бўйича дала тажрибалари олиб борилган жойнинг табиий тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқот олиб бориш услуби юзасидан маълумотлар келтирилган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароитлари ва голубика етиштириладиган тупроқ тавсифи» бўлимида асосий дала тажрибалари олиб борилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари ва тупроғи бўйича маълумотлар ёритилган.

Ушбу бобнинг «Тадқиқот ўтказиш услубиёти» бўлимида ҳар бир алоҳида тажрибани ўтказиш тартиби ва услуби баён этилган.

Ушбу бобнинг «Тадқиқотда қўлланилган голубика навлари тавсифи ва агротехникаси» бўлимида ўрганилган голубика навларининг тавсифи ва парваришlash технологияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Голубика (*Vaccinium uliginosum* L.) ўсимлиги**

навларининг Тошкент вилояти иқлими шароитига мослашувчанлик потенциали» деб номланган учинчи бобидан бошлаб тадқиқот натижалари берилган. Ушбу бобнинг «Тошкент вилояти шароитида интродукция қилинган голубика ўсимлиги навларининг ўсиши ва ривожланиши» деб номланган бўлимида голубика ўсимлиги навларида фенологик фазалар давомийлиги ҳамда уларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган. Фенологик кузатувлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг марказий минтақаси иқлими шароитига интродукция қилинган голубиканинг Дюк, Патриот, Аврора ва Блюкроп навлари 5-6 март, Торо, Легаси ва Дарроу навлари 10-12 март, Чандлер нави эса мартнинг иккинчи ярмидан вегетация даври бошланди.

Тадқиқотда ўрганилган голубиканинг Дюк ва Блюкроп навлари мевалари 9-10 июн, Патриот, Торо ва Легаси навлари 19-29 июн ҳамда Аврора, Чандлер ва Дарроу навлари 15-22 июлда тўлиқ пишб етилганлиги аниқланди. Интродукция қилинган голубика навларининг вегетация даври давомийлиги 213-221 кун оралиғида бўлади. Бунда энг қисқа давр Торо ва Дарроу навларида 213 кун, энг узун давр Патриот ва Легаси навларида 220-221 кун, қолган навларнинг вегетация даври давомийлиги 215-218 кун оралиғида бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Голубика навларида фенологик фазаларнинг ўтиш муддати ва давомийлиги (Тошкент вилояти), 2020-2021 йиллар

Навлар	Фенологик фазаларнинг бошланиши, сана						Вегетация даври давомийлиги
	Куртак бўртиши	Барг ёзилиши	Гуллаш		Пишиш		
			бошла-ниши	тугаши	бошла-ниши	тугаши	
Аврора	07.03	16.03	27.03	12.04	01.07	15.07	216
Чандлер	15.03	25.03	05.04	15.04	04.07	20.07	215
Дюк	05.03	15.03	25.03	05.04	30.05	10.06	215
Патриот	06.03	14.03	24.03	03.04	08.06	19.06	221
Торо	12.03	24.03	03.04	12.04	06.06	25.06	213
Легаси	08.03	19.03	08.04	16.04	10.06	29.06	220
Дарроу	10.03	22.03	30.03	09.04	06.07	22.07	213
Блюкроп	05.03	16.03	24.03	06.04	30.05	09.06	218


Ўзбекистоннинг марказий иқлим минтақасига интродукция қилинган голубика навларини пишиш муддатига кўра шартли равишда куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- а) *эртапишар навлар* (июн ойининг биринчи ўн кунлиги) – Дюк, Блюкроп;
- б) *ўртапишар навлар* (июн ойининг иккинчи ярми) – Патриот, Торо, Легаси;
- в) *кечпишар навлар* (июл ойининг иккинчи ярми) – Аврора, Чандлер, Дарроу.

Диссертациянинг «Тошкент вилояти иқлими шароитида етиштирилган голубика навлари ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва мевасининг товарбоплик кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида интродукция қилинган голубика ўсимлигининг мевалари қиёсий таҳлил қилинди. Ҳар бир янги интродукция қилинган мевали ўсимлик навларининг шу минтақада муваффақият билан

етиштириш истиқболи унинг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати билан ҳам баҳоланади. Шундан келиб чиқиб, ушбу тажрибамизда коллекцион кўчатзорга экилган голубикани 8 та навининг ҳосилдорлиги ва ҳосилининг сифат кўрсаткичларини тадқиқ қилдик.

Тадқиқотларда ўрганилган голубика навлари ичида энг йирик мевалилари Патриот ва Дарроу навларида (3,6 гр), энг майда мевалилари Аврора навида (1,4 гр), қолган навларда ўртача оғирликдаги мевалар (2,0-2,6 гр) шаклланди. Голубика ўсимлигининг энг юқори ўртача ҳосилдорлиги билан Дюк ва Блюкроп навлари (2,5 тонна/га), энг кам ҳосилдорлик Аврора навида (1,6 тонна/га), қолган навлар ўртача ҳосилдорлиги (1,8-2,1 тонна/га) оралиғида бўлганлиги тадқиқотларимизда кузатилди (1-расм).



1-расм. Голубика навларининг маҳсулдорлиги ва майдон бирлигидаги ҳосилдорлиги, 2020-2022 йиллар

Тадқиқотларда ўрганилган голубика навларининг мевалари дегустация баҳолаш ўтказилганда, энг юқори дегустация баҳоси голубиканинг Дюк, Патриот ва Блюкроп навларига (4,5 балл), энг кичик баҳо Аврора навига (4,0 балл), қолган навларга ўртача баҳо (4,2-4,4 балл) билан баҳоланди.

Диссертациянинг «Голубика ўсимлиги навларининг иссиқликка чидамлилиги» деб номланган бўлимида интродукция қилинган голубика ўсимлиги навларининг иссиқликка чидамлилик даражаси қиёсий баҳоланган. Ушбу физиологик кўрсаткич голубика ўсимлиги навларининг иссиқликка чидамлилиги уларнинг сунъий иссиқлик «шоки» таъсирида сув йўқотиши ва сувсизланишнинг тикланиш қобилияти бўйича аниқланади. Кузатувлар шуни кўрсатдики, сунъий иссиқлик «шоки» таъсирида энг кўп сув йўқотиш Легаси ва Дарроу навларида кузатилди. Ушбу навларда сунъий иссиқлик «шоки» таъсир этирилгандан сўнг йўқотилган сув миқдори 35,6 ва 34,7% ни ташкил этди. Энг кам сув йўқотиш Аврора, Дюк ва Блюкроп навларида аниқланди. Ушбу навларда барглардан сунъий иссиқлик «шоки» таъсирида чиқиб кетган сув миқдори 27,4-28,2% атрофида бўлди. Қолган навларнинг сув йўқотиш даражаси 31,3-34,6% атрофида бўлди.

Резавор меваларнинг иссиқликка чидамлилигини аниқлашда баргларнинг 50 °С ҳароратли сунъий иссиқлик «шоки» таъсирида йўқотилган сув миқдорини тиклай олиш қобилияти ҳам муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, йўқотилганга нисбатан тикланган сувнинг энг юқори миқдори Аврора, Дюк ва Блюкроп навларида кузатилди. Ушбу навларда сунъий иссиқлик «шоки» таъсирида йўқотилган сувга нисбатан сувга тўйиниш миқдори 57,9-59,1 % атрофида бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Голубика навлари баргларининг сунъий иссиқлик «шоки» таъсиридан сўнг йўқотилган сувни тиклаш кўрсаткичлари, 2020-2022 йиллар

№	Голубика навлари	Баргларнинг тажриба аввалидаги оғирлиги (M1), г;	Баргларнинг тўйинтирилган -дан кейинги оғирлиги (M3), г;	Тажриба аввалидаги сувнинг оғирлиги (V0), г	Йўқотилганга нисбатан тикланган сув миқдори (ВН), %
1	Аврора	2,90	4,53	2,81	58,2
2	Чандлер	4,30	6,00	3,22	52,8
3	Дюк	5,29	6,87	2,74	57,9
4	Патриот	4,13	5,71	2,98	53,3
5	Торо	3,82	5,42	3,13	51,4
6	Легаси	3,83	5,78	3,56	54,9
7	Дарроу	3,74	5,61	3,47	53,9
8	Блюкроп	4,67	6,33	2,82	59,1
	ЭКФ ₀₅	0,12	0,16	0,09	
	Sx	0,02	0,03	0,01	

Йўқотилган сувнинг энг кам тикланиши Торо навида аниқланди. Ушбу навда баргларнинг сунъий иссиқлик «шоки» таъсиридан сўнг чиқиб кетган сувга нисбатан тўйинган сув миқдори 51,4% атрофида бўлди. Қолган навларнинг сув йўқотилганга нисбатан сувни тиклаш қобилияти 52,8-54,9% атрофида бўлганлиги кузатилди.

Юқоридаги жадвалда келтирилган тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, ўрганилган голубика навларининг сунъий иссиқлик «шоки» таъсиридан сўнг йўқотилган сувга нисбатан тикланган сув миқдори бўйича ўзаро фарқланса ҳам, аммо ушбу резавор мевали ўсимлик учун олимлар томонидан тавсифланган кўрсаткичлардан, яъни 60,1 % дан паст бўлди. Бу эса Ўзбекистон шароитида очик майдонларда голубика ўсимлигини етиштиришда уларнинг иссиқликка чидамаслигини яна бир бор тасдиқлади. Шу сабабли мамлакатимиз шароитида голубикани ҳарорат сунъий равишда бирмунча юмшатирилган шароитда етиштиришни тақозо этади.

Диссертациянинг «Голубика кўчатларини яшил қаламчасидан етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида голубика ўсимлигининг интродукция қилинган навлари кўчатларини мамлакатимизда ресурстежамкор технологиялар асосида етиштириш имкониятларини илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари

келтирилган. Жумладан, ушбу бобнинг «Голубика ўсимлиги яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлигига ўсишни бошқарувчи модда тури ва концентрациясининг таъсири» деб номланган бўлимида индолилмой кислотасининг ҳар хил концентрацияларида голубика ўсимлиги яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлик даражаси ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, голубика ўсимлиги яшил қаламчаларига ўсишни бошқарувчи модда ИМКнинг турли концентрацияли сувли эритмалари билан ишлов бериш уларда регенерация жараёнларини тезлаштирди. Бунда қаламчаларнинг энг тез илдиз олиши ИМКнинг 40 мг/литр концентрацияли сувли эритмаси қўлланилган вариантда қайд этилди.

Голубика ўсимлигини яшил қаламчасидан кўпайтириш учун ўсишни бошқарувчи модда сифатида ИМКнинг 40 мг/л сувли концентрациясидан фойдаланиш тавсия этилади. ИМКнинг ушбу концентрацияси билан ишлов берилганда голубика яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлиги қарийб 86% ни ташкил этди.

Голубика ўсимлиги яшил қаламчаларига ИМК нинг қулай концентрацияси (40 мг/л) билан ишлов берилганда назорат вариантыга (ишлов берилмаган) нисбатан илдиз ҳосил бўла бошлаши 18 кунга, новдаларнинг ўса бошлаши 19 кунга тезлашади. ИМК концентрациясини ушбу қийматдан камайтириш ёки аксинча, ошириб бориш бундан-да юқори самара олиш имконини бермайди.

Ўсишни бошқарувчи модда концентрацияси яшил қаламчаларнинг биометрик кўрсаткичларига ҳам юқори даражада таъсир кўрсатади. Бунда 1-тартиб илдизларнинг энг кўп миқдори – 12 дона, энг кўп барглари сони – 11 дона ва энг баланд бўйли ўсимликлар – 25 см билан ИМКнинг 40 мг/литр сув концентрацияси қўлланилган вариант ажралиб турди.

«Ҳар хил таркибли субстратларда голубика ўсимлиги яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлиги» деб номланган бўлимида голубика ўсимлиги қаламчаларининг энг юқори илдиз олувчанлигини таъминловчи ҳар хил таркибли сунъий субстратларга экилган голубикани яшил қаламчаларининг регенерациясини аниқлаш юзасидан олиб борилган тажриба натижалари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, тажриба вариантларида сунъий субстрат таркиби голубика ўсимлиги яшил қаламчаларида регенерация, яъни илдиз ҳосил бўлиши (ризогенез) ҳамда новда ҳосил қилувчанлигига сезиларли таъсир кўрсатди. Бунда дастлабки илдиз бўртмаларининг назорат – йирик дарё куми + биогурус таркибли сунъий субстратга нисбатан энг эрта ҳосил бўлиши билан йирик дарё куми + торф таркибли сунъий субстрат ишлатилган тажриба варианты ажралиб турди.

Голубика навларини яшил қаламчасидан кўпайтиришда сунъий субстрат сифатида йирик дарё куми + торфдан фойдаланиш яхши натижа беради. Ушбу тажриба вариантыда назорат вариантыга (йирик дарё куми + биогурус) нисбатан илдиз ҳосил бўла бошлаши 7 кунга, новдаларнинг ўса бошлаши 4 кунга тезлашади. Илдиз олган жами қаламчалар миқдори эса 86% ни ташкил этди ва ушбу физиологик кўрсаткич назорат вариантыга нисбатан 14% га юқори бўлди.

Сунъий субстрат таркиби голубика ўсимлиги яшил қаламчаларининг

биометрик кўрсаткичларига ҳам юқори даражада таъсир кўрсатди. Бунда сунъий субстрат сифатида йирик дарё қуми + торфдан фойдаланилган тажриба вариантыда 1-тартиб илдизларнинг энг кўп миқдори – 13 дона, энг кўп барглар сони – 13 дона ва энг баланд бўйли ўсимликлар – 28 см қайд этилди. Бу эса назорат вариантыдан мос ҳолда 9 ва 5 донага ҳамда 9 см га юқори бўлганлиги кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Голубика ўсимлигининг яшил қаламчалари регенерацияси жараёнларига сунъий субстрат таркибининг таъсири, 2020-2022 йиллар


№	Тажриба варианты	1-тартиб илдизлар сони, дона	Кўчатдаги барглар сони, дона	Кўчат бўйи, см
1	Йирик дарё қуми + биогумус – наз.	4,0±0,08	7,3±0,14	19,4±0,39
2	Йирик дарё қуми + торф	13,7±0,27	13,0±0,27	28,3±0,57
3	Йирик дарё қуми + қарағай тахтаси қириндиси	9,1±0,18	10,4±0,20	25,1±0,51
	<i>ЭКФ₀₅</i>	0,4	0,4	1,0
	<i>Sx%</i>	0,07	0,07	0,17

Ушбу тажриба вариантыда олинган кўчатларнинг ўртача узунлиги 28,3 см ни ташкил этди. Бу эса назорат вариантыдаги ўсимликларнинг ушбу физиологик кўрсаткичига нисбатан 9 см га юқори бўлди.

Кўчатларнинг бўйи билан навбатдаги ўринни сунъий субстрат сифатида йирик дарё қуми + қарағай дарахти тахтаси қириндисидан фойдаланилган тажриба варианты эгаллади. Ушбу тажриба вариантыда олинган кўчатларнинг бўйи назорат вариантыдаги ўсимликларнинг бўйига нисбатан 6 см га баланд бўлди ва ўртача 25,1 см ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Голубика ўсимлиги яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлигига уларни экиш муддатларининг таъсири» деб номланган бўлимда голубика ўсимлигининг яшил қаламчаларида регенерация жараёнларига экиш муддатининг таъсири ўрганилган. Голубика ўсимлигини яшил қаламчасидан кўпайтириш учун қаламчаларни август ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида экиш тавсия этилади. Ушбу муддатда экилган қаламчаларда энг юқори регенерация кўрсаткичлари қайд этилади: илдиз ҳосил бўлиши – 18-19 кун, новда чиқара бошлаши – 22-23 кун, илдиз олувчанлик 85-87%.

Голубика ўсимлиги яшил қаламчаларини август ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида экишда энг юқори биометрик кўрсаткичлар ҳам қайд этилади: биринчи тартиб илдизлар сони – 8-11 дона, шакланган барглар сони – 10 дона, кўчатларнинг ўртача бўйи 21-23 см, иншоотнинг фойдали майдони бирлигидан стандарт кўчат чиқиши 61-64 донани ташкил этди (2-расм).



2-расм. Голубикани яшил қаламчасидан ўстиришда стандарт кўчат чиқиш миқдorigа экиш муддатининг таъсири, 2020-2022 йиллар.

«Голубика ўсимлигини яшил қаламчасидан кўпайтириш технологиясининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили» деб номланган бўлимда ишлаб чиқилган кўчат етиштириш усулининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш юзасидан амалга оширилган таҳлилий маълумотлар келтирилган. Кўчат етиштириш жараёнини ҳисоб ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, голубика ўсимлигини ички микроклими бошқариладиган иншоотда торфли субстратларда яшил қаламчасидан кўпайтириш юқори иқтисодий самарага эга бўлиб, ушбу технологияда 0,1 гектарли плёнкали иншоотнинг 800 м² фойдали майдонидан 64000 тона сифатли кўчат олиш мумкин. Микроклими бошқариладиган бундай иншоот 174 млн. 881 минг моддий маблағ сарфлаган ҳолда 384 млн. сўм даромад олиш имконини беради. Бунда соф фойда 209 млн. 119 минг сўм, рентабеллик 119,6% га етади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистоннинг марказий минтақаси иқлими шароитига интродукция қилинган голубиканинг Дюк, Патриот, Аврора ва Блюкроп навлари 5-6 март, Торо, Легаси ва Дарроу навлари 10-12 март, Чандлер нави эса мартнинг иккинчи ярмидан бошлаб уйғонади. Дюк ва Блюкроп навларининг мевалари 9-10 июн, Патриот, Торо ва Легаси – 19-29 июн, Аврора, Чандлер ва Дарроу навлари – 15-22 июлда тўлиқ пишб етилади.

2. Ўзбекистоннинг марказий иқлим минтақасига интродукция қилинган голубика навларини пишиш муддатига кўра шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- а) *эртапишар навлар* (июн ойининг биринчи ўн кунлиги) – Дюк, Блюкроп;
- б) *ўртапишар навлар* (июн ойининг иккинчи ярми) – Патриот, Торо, Легаси;
- в) *кечпишар навлар* (июл ойининг иккинчи ярми) – Аврора, Чандлер, Дарроу.

3. Ўзбекистоннинг марказий иқлими шароитига интродукция қилинган

голубика навларининг вегетация даври 213-221 кун оралиғида бўлади.

4. Ўзбекистоннинг марказий иқлими шароитида қишки тиним даврида ўртача -7°C дан паст ҳарорат 301 соатни ташкил этади. Бу эса республикамизнинг марказий иқлими шароитида оддий голубика навларининг қишлаши учун қулай шароит (≥ 300 соат) мавжудлигини кўрсатади.

5. Энг йирик мевалар Патриот ва Дарроу навларида (3,6 гр), энг майда мевалар Аврора навида (1,4 гр), қолган навларда ўртача оғирликдаги мевалар (2,0-2,6 гр) шаклланади. Энг юқори ўртача ҳосилдорлик Дюк ва Блюкроп навларида – 2,5 тонна/га, энг кам ҳосилдорлик Аврора навида – 1,6 тонна/га, қолган навларда ўртача ҳосилдорлик 1,8-2,1 тонна/га атрофида бўлади.

6. Сунъий иссиқлик «шок»и (50°C) таъсиридан сўнг йўқотилганга нисбатан тикланган сувнинг энг юқори миқдори Аврора, Дюк ва Блюкроп навларида 57,9-59,1 %, энг кам тикланиши Торо навида 51,4 %, қолган навларда эса ўртача 52,8-54,9 % ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич меъёр талабидан ($\geq 60,1$ %) дан паст бўлиб, Ўзбекистон шароитида очик майдонларда голубика етиштиришда уларнинг иссиқликка чидамсизлигини тавсифлайди.

7. Голубика ўсимлигини яшил қаламчасидан кўпайтириш учун ўсишни бошқарувчи модда сифатида ИМКнинг 40 мг/л сувли концентрациясидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда голубика яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлиги қарийб 86% ни, уларда шаклланган 1-тартиб илдизлар миқдори – 12 дона, барглари сони – 11 дона ва ўсимликлар бўйи 25 см га етади.

8. Голубика навларини яшил қаламчасидан кўпайтиришда сунъий субстрат сифатида йирик дарё куми + торфдан фойдаланиш, қаламчаларни август ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида экиш тавсия этилади. Ушбу муддатда экилган қаламчаларда энг юқори регенерация кўрсаткичлари қайд этилади: илдиз ҳосил бўлиши – 18-19 кун, новда чиқара бошлаши – 22-23 кун, илдиз олувчанлик 85-87%, стандарт кўчат чиқиши 61-64 дона.

9. Голубика ўсимлигини ички микроиқлими бошқариладиган иншоотда торфли субстратларда яшил қаламчасидан кўпайтириш юқори иқтисодий самарага эга бўлиб, ушбу технологияда 0,1 гектарли плёнкали иншоотнинг 800 м² фойдали майдонидан 64000 дона сифатли кўчат, 174 млн. 881 минг моддий маблағ сарфлаган ҳолда 384 млн. сўм даромад, 209 млн. 119 минг сўм соф фойда ва 119,6% рентабелликка эришиш имконини беради.

10. Голубика ўсимлигининг кўчатларини мамлакатимизнинг ўзида жадал кўпайтириш ва ундан юқори ҳосил етиштириш учун боғдорчилик ва кўчатчиликка ихтисослашган хўжаликларга:

голубиканинг юқори ҳосилдор Дюк ва Блюкроп навларини экиш;

ушбу навларни кўпайтириш учун уларнинг яшил қаламчаларини ички микроиқлими бошқариладиган иншоотда торф+кум аралашмасидан иборат субстратда илдиз олдириш;

яшил қаламчаларнинг яхши илдиз олишини таъминлаш учун уларни август ойининг иккинчи ярмида тайёрлаш ва экиш олдиан уларга ўсишни бошқарувчи модда ИМКнинг 40 мг/л сувли концентрацияси билан ишлов бериш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ҚУРБОНМУРОДОВ АКБАР ЧОРИЕВИЧ

**МОРФО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И РАЗРАБОТКА
ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ САЖЕНЦЕВ
ГОЛУБИКИ (*Vaccinium uliginosum* L.)**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/Qx904.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Нормуратов Илхом Тургунович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Файзиев Джамолиддин Насирович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Касимов Ахмаджон Абдукадирович
доктор философии по сельскохозяйственным наукам, доцент

Ведущая организация:


Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений


Защита диссертации состоится «16» февраля 2024 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 550247). (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «03» февраля 2024 года (реестр протокола рассылки № 86 от «26» декабря 2023 года).


Э.Т. Бердиев
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.х.н., профессор


М.З. Холмуратов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н., доцент


С.А. Юнусов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.х.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Голубика является одной из ценных ягодных культур, которые становятся очень популярными во всем мире. Причиной тому является ее бесподобный вкус, витаминная насыщенность и целебные свойства. Валовой объем производства этой ягодной культуры на сегодняшний день превышает 1 млн. тонн. По мнению мировых экспертов, ее площадь будет еще больше увеличиваться в ближайшие 2 года, следовательно, экспортный потенциал, по прогнозам, достигнет почти 3 миллиардов долларов к 2025 году. На сегодняшний день ведущими странами по производству голубики являются США, Канада и Чили, на долю этих стран приходится 70% мирового производства³. В последние годы выращивание голубики увеличивается и в таких странах как Китай, Франция, страны СНГ, Южная Африка и другие. В этих странах создание высокоурожайных, морозостойких сортов голубики, разработка эффективных способов размножения растений, совершенствование элементов технологии выращивания на промышленной основе является одной из актуальных задач плодового хозяйства.

В мире научные исследования, связанные с размножением и выращиванием голубики, проводятся преимущественно в направлениях ее интродукции в новые районы, введения в культуру ценных дикорастущих видов, создания новых высокоурожайных сортов, разработки современных технологий выращивания саженцев и урожая. В культурном виде выращивают 5 видов голубики: голубика низкорослая – голубика узколистая (*V. angustifolium*) и голубика канадская (*V. myrtilloides Michx.*); голубика высокорослая – голубика щитковая (*V. darrowii*) и голубика южная (*V. virgatum*), а также голубика Эши (*V. ashei* – «кроличий глаз»). На сегодняшний день интродукционный ареал голубики садовой (*Vaccinium uliginosum* L.) охватывает все страны северного полушария, Китай, а также многие страны Центральной Америки, Азии и Африки. Созданы ее всемирно известные сорта Bluecrop, Duke, Jersey и Nelson, которые успешно выращиваются практически во всех этих странах. В США саженцы голубики уже давно выращивают в условиях *in vitro* на питательной среде Woody Plant Medium. Голубика является новой ягодной культурой для нашей страны и потребность в ней удовлетворяется за счет импорта, в связи с этим, разработка и внедрение размножения и важных элементов технологии выращивания этой ценной культуры является одним из важных вопросов садоводства в республике.

Для увеличения видов ягодных плодовых культур, их использования в пищевой и фармацевтической промышленности проведены широкомасштабные работы и достигнуты определенные результаты. Однако научных исследований по изучению морфо-биологических особенностей и разработке технологии выращивания саженцев растения голубики (*Vaccinium uliginosum* L.) не проводилось. В Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы намечено в качестве одной из приоритетных

³ <https://fruitnews.ru/home/category/analitika/usda-mirovoj-eksport-golubiki-k-2025-godu-vyrastet-do-usd3-mlrd.html>

задач «...создание благоприятного агробизнес-климата и цепочки добавленной стоимости, предусматривающих широкое внедрение рыночных принципов при закупке и реализации сельскохозяйственной продукции, развитие инфраструктуры контроля качества, стимулирование экспорта, производство конкурентоспособных на целевых международных рынках агропродовольственных товаров с высокой добавленной стоимостью»⁴. Голубика является именно такой ценной и экспорториентированной ягодной культурой, для успешного размножения и выращивания которой в почвенно-климатических условиях нашей страны необходимо проведение углубленных научных исследований в этом направлении.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени служит реализации задач, намеченных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-307 «Об организационных мерах по реализации стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2022 – 2026 годы» от 6 июля 2022 года, ПП-4549 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощеводства и виноградарства, созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости» от 11 декабря 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах относительно данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

